



# HURRIYAT

2001-yil

14-20-

noyabr

1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan

Har chorshanba kuni chop etiladi



## ЖУМА ТОНГИДАН РАМАЗОН ОЙИ БОШЛАНАДИ!

Қалбларимизга ўзгача бир иймон, эзгулик, шуқуқ олиб кирувчи моҳи рамазон келди. Мехр-муравват, диёнату оқибат, ахилликка ундовчи — Яратганнинг ўзи муборак қилган саодатларга бой имтиҳон кунлари бошланади. Юртнинг ёшу қариси, мўмин-мусулмони илкида, дилида дуолар билан кутиб олмоқда бу саодат лаҳзаларини. Негаки, юрт тинч, эл осойишта.

Қадимда бозорлардаги аҳли мусулмон мол-ҳолимни андек арзонроқ сотиш насиб этармикан деган ниятда рамазон ойини орзиқиб кутишар экан. Негаки, бир ойлик рамазон ойидаги ҳиммат-муравват йилнинг қолган ўн бир ойида қут-барокат олиб келаркан. Бу рамазон ойи юртимиз бозорларини эгаллаган аҳли бозор ҳамюртлар ота-боболарнинг ўша ўғзал удумини давом эттирмоқчилар деб эшитдик. Рамазон келса бирни ўнга ураман дейдиганларга бозорда ўрин бўлмас эмиш.

Нахотки, дейсизми? Гумонни кўяйлик, биродарлар. Ахир биз эзгу умидлар ижобатга ўтқувчи ойни қарши оляғимиз!..

Имконият

## ДОРИ-ДАРМОН КЎРГАЗМАДАН ЎТМОҚДА

“Ўзқўргазмасавдо” мажмуида яна бир қўргазма иш бошлади. Дори-дармон ва тиббий анжомларга қизиққан киши борки, қўргазмадан чиқиса келмайди! “Ўзфармасаноат” ДАК томонидан ташкил этилган қўргазманинг очилиш маросимидан концерт бошқаруви раиси Қобулжон Шодиев тadbирдан қўзланган мақсад республика аҳолисини ҳамда даволаш-профилактика муассасаларини маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон дори воситалари ҳамда тиббий анжомларга бўлган талабни қондириш эканлигини айтиди. Қўргазма иштирокчилари истеъмолчилар билан очик мулоқотлар, мунозаралар ўтказиши ва уларнинг тақлифлари асосида шартномалар тузишларига барча ша-

роит мухайё этилди. Бу соҳада келгусида ишлаб чиқариш истикболларини белгилаш учун маркетинг тадқиқотларини ўтказиш имкони яратилди.

Қўргазмада 50 га яқин компания ва фирма томонидан келтирилган 500 дан ортиқ дори воситалари ва тиббий анжомлар намойиш этилмоқда. Шунингдек, тadbирда йирик улғуржи савдо корхоналари ҳам фаол қатнашмоқдалар. “Савдофармасаноат”, “Фармаксим”, “Гармала-фарм” каби бир неча фирмалар шулар жумласидан.

—Қўргазма барча дори воситалари ишлаб чиқарадиган корхоналарга янги имкониятлар эшигини очди, дейди “Савдофармасаноат” шўъба корхонаси бош директори Эркин Тожиев.—Ўтган давр мобайнида қандай натижаларга

эришганимиз маъзур қўргазмада яққол сезилиб турибди. Бироқ бу олдимизга жиддий синовларни ҳам қўяди. Хусусан аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш борасида ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Қўргазма шундан далолат берадики, “Ўзфармасаноат” ДАК тизимида муштакилик йилларида салмоқли натижаларга эришилган. Чунончи, агар бундан 8-9 йил олдин концерт республика аҳолиси талабини атиги 8 фоизини таъминлаган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 20 фоиздан ошган. Маҳсулотлар тури ҳам ортган.

Қўргазма 16 ноябрга давом этади.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

## ОБУНА ОВИ АВЖИГА МИНДИ!

Йил охирида, галвирни сувдан кўтариш вақти етганида биз “Хуррият”чилар ҳам газетхон олдида ҳисобот беришга чоғланамиз. 52 ҳафта давомида азиз ўқувчига нималар тақдим этганимиз, нималарни етказга олганимиз бир-бир кўз олдимиздан ўтади.

Аслида эса матбуотда акс этаётган деярли ҳар бир мулоҳаза қайсидир маънода муштарийники.

Қандай мавзу атрофида изланишга киришилмасин, газетхон муносабатисиз у кемтик, саёз. Зеро, матбуотнинг барометрини сизни мушоҳадаларингиз, кузатишларингиз белгилайди.

Келгуси йилдаги ниятларимиздан сўрасангиз, энг олий истагимиз - сиз билан янаям ақинроқ бўлиш!

Тахририятдаги хат қутиларимиз Сизнинг мактубларингизга мунтазир! Матбуот-нашрларнинг сони кўпайиб, обуна овловчиларнинг “ҳийланайран”лари учига чиқётган бир пайтда “Хуррият”ни мақкам тутинг, кам бўлмайсиз!

“Хуррият” 2002 йилда қандай чиқади, деб сўрадингизми?

Жавобимиз битта: “Хуррият” Сиз азиз муштарийлар истаганидек чиқади! Биз учун бундан кўра улканроқ мақсад-муддао йўқ!

“Хуррият”чилар

**НАҚЛ** Бувам ким бўлгани эмас, унинг невараси ким бўлиши мумкинлиги мени кўпроқ қизиқтиради. А.ЛИНКОЛЬН

Таклиф

## БЕКАТНИ ТЎСМАНГ!

Автобус ва троллейбуслар тўхтайдиган бекатни ва унинг атрофидаги йўлларни хусусий энгил автомашина оғалари ўзлари учун “тўхташ жойи”, “тургиручи”, “туриш жойи”га айлантириб олишган. Бу эса жамоат транспортига ҳам, йўловчиларга ҳам ноқулайлик, ҳатто ҳафот-хатар тўғдиришда. Кирақашлар тирикчилик қилиш учун энг қулай жой бекат эканлиги ва мижозлар ҳам айна шу жойда такси тўхтайтишларини вақ қилиб кўрсатадилар.

Энди бу мавзунинг яна бир жиҳати — молиявий томонига эътиборни қаратсак: ўша бекати кўчаларда тирикчилик даражиде ўзгаларга ноқулайлик тўғдираётган “тадбиркорлар”нинг кўпчилиги яқка тadbиркорлик фаолияти ҳуқуқини берувчи ҳеч қандай ҳужжатга эга эмаслар. Улар ҳожимиятлардан рўхсатнома ҳам олишмаган, солиқ идораларида рўйхатдан ҳам ўтган эмас. Йўл қира ҳақини эса ҳақиқий таксичилардан кўра кўпроқ олишади.

Яна бир ҳолат: Беруний кўчаси бўйлаб “Беруний” метросидан “Ғунча” кинотеатригача бўлган масофада (мен айтмоқчи бўлган вазиятни ўнлаб бошқа кўчаларда ҳам қуриш мумкин) йўл четларига, тоҳ қўнанинг юза қисмига, бекатларга энгил машиналар шунчалик белгисизлик билан қўйилганки, автобус-троллейбус ҳайдовчилари кўчадан минг азоб билан ўтишади. Нахотки, шундай қимсаларни тартибга чакриб қўядиган идора топиламаса? Еки бунақаларга таъсир ўтказишга ҳеч қайси идоранинг ҳақди сиймайдими?

Аммо бу юқорида айтиб ўтган вазиятга барҳам бериш қийин эмас. Бунинг осон, фойдали ва ҳамма учун манфаатли йўли бор. Мана ўша йўл: Фарб ва Осиё давлатларининг кўпчилигида бозор иқтисодиёти синовларидан ўтган яқши бир тажриба бор. Ҳаракат хавфсизлиги қондаларини бузган, рўхсат этилмаган жойларга ўз автомобилчини қўйган шахсларнинг машиналари олд ойнасига йўл полиция ходимлари жарима варақаларини ёпиштириб кетишади. Тўлашга эса мажбурсан, ҳуқуқни буздингми, бас, қиссангизнинг чиқаровер.

Бизда ҳам шу тажрибани амалга киритиш керак, тамом-вассалом. Бу бир томондан қондани бузиш истагини сўндирса, иккинчи томондан бюджетга ҳам фойда. Бу амалиётни жорий этиш механизми эса ИИБ, ДАНБ, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги учун оғир кечмас керак: жаримани ўз вақтида тўламаганларни йил охирида яқшигина пеня кутиб турган бўлса, бу интизомнинг янада тезроқ қарор топишига замин бўлади.

Алишер САЪДУЛЛАЕВ, иқтисодчи-журналист

Ҳаяжон

## XXI АСР

1  
Замин тўнкарилган — Осмон — ваҳима...  
Оёғим остида чақмоқлар — Ҳамла.  
Атиргулнинг барги гоҳида Менга туюлади — Бомба, бомба, бомба!..

Ҳаёт — чиноримни Қай куч йиқади...  
Гар дунё чайқалса Қандай турай тик?  
Ердан майсалардай Униб чиқади Уқ, уқ, уқ...

Бир қўлингда гулу, Бирида қурол — Иккига бўлиниб Боради олам.  
Ердан ҳам қувилсанг, Қайга сифасан.  
Одам, одам, одам?!  
Эсласам, болалик Ўдимга тушар — Нимани кўрибди Ўттиз уч йилим.  
Биргина сиз учун Яшагим келар Севгилим, севгилим, севгилим!

Отам бугдой экар, Онам ёпар нон...  
Ўғлимни ўйласам, Пешонамда тер.  
Нега манглаингдан Оқаяпти қон,  
Она ер, она ер, она ер?!  
2  
XXI аср — Инсониятнинг Кўёшга қўл чўзиб яшаган даври...  
Ердаги бир майса тожи ҳаётнинг, Тириклик бошида ваҳмини кўрдим.

XXI аср...  
Бир ёним гулзор,  
Бир ёним тутайди қиёмат каби.  
Заминни қизғониб кутариб турар Тинчлик деб ҳайқирган одамзот қалби...

XXI аср,  
Бу — менинг болам.  
Ишонч — умидларим, баҳри зиёдам!  
Шу ўғлон қузида томчи ёш кўрсам Охларим ўт бўлиб сачар дунёга.

XXI аср,  
Нима гаминг бор?  
Елкамни тутмоққа қодирман, мана!  
Бир юрт озод бўлди... тоза, бегубор Ўзбек ўзлигини қилур тантана.

XXI аср,  
Мана, даста гул!  
Улоқтир қуролу бомбаларингни.  
Бари ўтмиш бўлсин... майли, ҳартигул Келажакка ортама говгаларингни.

XXI аср,  
Бу — менинг ўзим!  
Урушингни кўрдим... Кўрдим ўлимни.  
Ёруғ тонглав учун ёшланди қўзим,  
Омон асрайсанми менинг ўғлимни?!  
Қўқор НОРҚОБИЛ

Хабар

## АЛЛОМА ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Шеърят ихлосмандлари покистонлик улуғ шоир Аллома Мухаммад Иқболни яқши танишади. Унинг шеърлари кўпчилигининг кўнглидан жой олган. Унинг фалсафий асарларининг ўзи бир дунёки, бу уммондан баҳра олмаганлар кам. Покистонликлар эса Иқболни нафақат шоиру файласуф сифатида, балки улуғ давлат арбоби сифатида ҳам эъзозлашади.

Утган ҳафтада Миллий университетнинг Маданият саройида алломанинг 124 йиллик таваллуд тўйи катта тантаналар билан нишонланди. Тадбирда Покистон элчихонаси мутасаддиларидан тортиб, шоирнинг мамлакатимиздаги муҳлисларигача қатнашишди.

МУҲБИРИМИЗ

Сана

## ЖАМҒАРМА - 5 ЁШДА!

Вақтнинг ўтишини қаранг, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ташкил этилганига ҳам 5 йил тўлибди! Ўтган қисқа фурсат ичида жамғарма давр синовидан ўтди, ўз олдига қўйган вазифани озми-кўпми уддалади. Бугунги кунда тилга тушиб қолган “Энг улуғ, энг азиз”, “Офарин”, “Истиклол тонги”, “Ҳуқуқ ва бурч”, “Наврўз - боқий байрам” каби қатор ижодий танловларнинг дунёга келиши ва оммалашининг бир чеккаси бевосита жамғарма олиб бораётган фаолият билан боғлиқ. Ўтган давр мобайнида жамғарма раҳнамолиги ва иштирокида ўтказилган маъзур танловларда нақ 200га яқин ижодкор журналист голиб ёки совриндор бўлди.

Жамғарма турли халқаро ташкилот ва жамғармалар билан ҳамкорликда танлов ва мусобақалар уюштирамоқдаки, бу каби тadbирлар келгусида ҳам давом эттирилади.

Давр мамлакатимиз журналистларидан гоҳида ҳозиржавобликни, юксак маҳоратни, дунёда юз бераётган воқеаларни зийраклик билан илғаб олишни тақозо этмоқда. Хусусан, АҚШга қарши амалга оширилган террорчилик ва дунёдаги эзгу ниятли мамлакатларнинг Афғонистондаги террор марказларини йўқотишга қаратилган ҳаракатлари билан боғлиқ жараёнларнинг матбуотда кенг ёритилиши мавзуси журналистларимизни яна бир қарра жиддий ижодий имтиҳондан ўтказди. Мамлакатимиз Раҳбарининг айна шу мавзудан келиб чиқиб эълон этилган Баёнотда журналистларимизга билдирган танқидий мулоҳазаларга ҳамкасбларимизни янада зўр ғайрат билан, астойдил ишлашга даъват этди.

Жамғарма бошқарувининг навбатдаги ййгилишида ана шулар ҳақида сўз борди. Жамғарма ижрочи директори А.Абдусатторовнинг молиявий фаолият ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Жамғарманинг вилоят бўлимларига, бевосита жамғарма муассислик қилаётган нашрлардаги иқтисодий муаммоларга, қолаверса моддий қўмақ сўраб мурожаат қилган тахририятларга ёрдам кўрсатиш чоралари изланди.

Республикамиз журналистларини бирлаштирувчи ижодий уюшма зарурати кун тартибиде турганлиги тилга олинди.

МУҲБИРИМИЗ

МММга

## ИҚТИСОД: ЯНГИ ШАКЛЛАР

Очик жамият институтининг иқтисодий таълим дастурлари доирасида Миллий матбуот марказида иқтисодий иқтисодиётнинг ўргатишда интерактив усуллардан фойдаланиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги қўмағида ташкил этилган бу семинарда тўрт кун давомида барча вилоятлардан келган мактаб ўқувчилари а-а-анчага етадиган билим ва малакаларга эга бўлишди.

Ислохотлар даврида яшар эканми, иқтисодий билимларсиз узоққа боришимиз қийин. Айниқса, давлатимизда бу соҳадаги малакали мутахассисларга эҳтиёж катта. Ҳўш, иқтисодиётни ўқитиш қай даражада йўлга қўйилган?

Замон кўп нарсани ўзгартиргани каби иқтисодий таълимни ҳам тубдан ислох этишни тақозо қилмоқда. Ёш ва малакали мутахассислар дарс бергани келмайди. Шу сабабли бор ўқитувчилар билан асосида замонавий усуллар билан таълим беришни ўрганишга уринади. Адабийтлар етарли бўлса, кўпи мактаб ўқувчиларига мослаштирилмаган ёки интерактив шаклда ўқитишни талаб қилади. Семинар худди шу янги шаклларнинг амалиётини ўрганишга катта ёрдам берди.

Дипора ДЎЛТАЕВА



**АЧКИ КОНФЕТ ҲАМ БЎЛАРКАН-ДА?!**

Мунозара

Каерда номукамаллик мукамаллик даво килса, кайда хунуқлик гузаллик либосини киймоқчи бўлса, ўша ерда кулгили ҳолат юзага келади. Жумладан, улуг одамлар номини айтиб мактанни ёки умуминсоният яратган улкан бойликка дахлдорлик пеш килиб (бу дахлдорликни фақат қайсида муассаса муҳр босиб берган ҳужжат билан исботлаб) куракка уравериш ҳам. Шарқнинг улуг шоирларидан бири Абдураҳмон Жомийнинг шундай байти бор:

Асло мансаб билан буюкмас одам,  
Мансаб одам билан муҳтарам.

Гарчи мазукур сўзлар муҳокамизини айнан ифодаламаса-да, фикримизни аниқлаштириш мақсадида истисно таркибда унинг бир қиррасидан фойдаланмоқчимиз. Демак, мансаб, унинг барча даражалари буюқлик мезони эмас, балки мансаб одам билан кадр топади.

Мутафаккир шоир бу ўринда яна бир марта "Инсон — олам гултоши" деган ақидани тасдиқлаётти ва "Одам мансаби (балки касби) билан мактанмасин, одам эҳлиги билан мактансин, фахрлансин" деб панд бераётти. Таассуфки, ҳали гулзорни кўрмай, "дунёни гулга кўйиб ташладик" деб бонг урилса ёки ҳали кирга чиқмай тоғни эгзалаганлик давоси билан чиқилса, борингки, қимларди Сўзинг таъминни тоғиша улгурмай, соҳанинг азобларини юрагидан ўтқармай, фақат ташқи ялтироқликка маҳлиё бўлиб, "Биз... журналистлар" деб тўтиқшудек такрорлайверса ҳам одамнинг энаси қотар экан.

Бизнинг назаримизда, бирор касб эгаси бўлиш (ҳозирча бу тушунганимиз бошлангич маъносиде, яъни "диплом эгаси бўлиш") билан бошқа касбдагиларга писанд қилиб, уларнинг қаршида қилиб, "Биз..." деб гапиршининг ўзи тарбиясизлик, жамоатчилик олдига одобсизлик. Агар хотирини эсимизга, биз бирон ўринда оммавий тарзда (минбардан туриб) "Биз агрономлар", "Биз юристлар" ёки "Биз арқонлар" тарзидаги камтарона эътирофнинг (аслида, гердаийнинг) шохиди бўлмайди. Бироқ жамиятда мактеби ёки зарурати (ижтимоий масъулияти) асло бир-бириндан кам бўлмаган касб кишиларининг хизматига бел боғлаган соҳа одамлари бир томондан вазирасини суиестемол қилиб, иккинчи томондан камтарлик қилиш, одоб сақлаш ўрнига ўзига бино кўйиб, манманлик билан "Биз..." деб турса, касб одобини, ўзининг энг оддий бурчиники биринчи қадамда унутса, ундан жамият нима кутди ёки у жамиятга нима беради?!  
"Камтарона эътироф"ларга қулоқ тутайлик. "Ҳозирги шариқатда биз журналистларнинг масъулияти ўн чандон ошган", "Эндилда биз журналистлар фақат она тилини эмас, чет тилларни ҳам билишимиз керак", "Биз журналистлар ҳаётга яқинроқ туришимиз..." ва бошқа "Биз...", "Биз..." Бу ҳиссиёт, сохта эътирофларни тинглаган иқтисодчи, муҳандис ёки курувчи "Шунга шунчамки, ахир ўз ички ишининг ўзинг элайвермайсанми. Нима қилсан ялтоқлими" демайди-ми? Ёки тағи пуч, чўчмак мулоҳазаларни тинглаб ҳафсаласиз пир бўлган, дунёда журналистликдек жун касб йўқ экан", деган савёз хулосага бориши

хам тайин-ку.  
...Экранда ёқимтой чехра пайдо бўлади, титрда таниш ёзув — "журналист". У даярли чойхонадаги сўхбатлар даражасидаги гапларни такрорлаб ёки ўзи ҳам тўла тушунмаган ёхуд чуқур ҳис этмаган мавзулардан ўл-бўлган "шоҳалаб" гойиб бўлади. Яна ўша аянчли хулоса: "Дунёда журналистликдек жун касб йўқ экан..."

Кейинги пайтда қалам аҳли қаторидан бошқа ҳамкасбларини ёзғиради-ган, уларни ўкиб мавзуда етарли ижод қилмаётганлиқда айблаётган назоратчилар кўпайиб кетди. Улар бундай фикрларини тор доираларда ёки ҳамкасблар даврасида эмас, тўғридан-тўғри микрофондан ёки газета саҳифалари орқали изҳор қилишмоқда. Яна бир савол туғилади: ҳўш, журналист-

муқаддас қурол. Қалам тутган қўлинг холис, беҳминнат хизмати билан ўқинчи дамлар сурати абадийлик касб этади, ёзув орқали ҳаётимиз тарихга муҳрланади, шу воситада одамлар ахборот алмашадилар ва ҳўксоз. Шўхбасиз, қўш нарсани қаламқашнинг қасбига лаёқати, тарбияси, маданияти ҳал қилади. Одамлар унга холислик-нохолислик, поклик-нопоклик мезонларидан келиб чиқиб баҳо берадилар. Шу тўғрйли ҳар бир давлатда конституцион тузумга садоқатли ва касб маҳорати юксак журналистларни волега етказишда ҳеч бир нарса аямлайди. Гарчи биз ана шундай гапирмоқчимиз, лекин ҳўш, қўш нарсани қаламқашнинг қасбига лаёқати, тарбияси, маданияти ҳал қилади. Одамлар унга холислик-нохолислик, поклик-нопоклик мезонларидан келиб чиқиб баҳо берадилар. Шу тўғрйли ҳар бир давлатда конституцион тузумга садоқатли ва касб маҳорати юксак журналистларни волега етказишда ҳеч бир нарса аямлайди. Гарчи биз ана шундай гапирмоқчимиз, лекин ҳўш, қўш нарсани қаламқашнинг қасбига лаёқати, тарбияси, маданияти ҳал қилади. Одамлар унга холислик-нохолислик, поклик-нопоклик мезонларидан келиб чиқиб баҳо берадилар. Шу тўғрйли ҳар бир давлатда конституцион тузумга садоқатли ва касб маҳорати юксак журналистларни волега етказишда ҳеч бир нарса аямлайди.

ҲАКИМ САТТОРИЙ

нарсани аниқки, ҳўзирги шароитда баъзи ҳамкасбларимизнинг "гайрат"лари тўғрйли касбнинг обрўсига пўтур етган. Одамлар билан мулоқотларда (уларнинг бу мавзуда ёлгон гапиршидан манфаатдорлиги йўқ) "фалон муҳбир"нинг машинасига тўртта шина сўрагани ёки ҳўжжали раҳбаридан нимадир ундириш учун уни бир ҳафта пўйлагани сингари "афсонавий" гапларни эшитамиз. Муҳбир қўҳрамони қўлогидеги тилга зиракни "тортинмай олади"да, ўз қўлогига тақиб қўяди ёки бошқаси "мен қўйнамай ижод қилишим учун алоҳида уйим бўлиши керак" деб эрқаланади. Ҳар қандай ҳўлда ҳам бағрикенглик ва саҳийлик тўғрйли мунозараларга эришадилар... Балки бу гаплар бир оз берадарок, эришроқ тўғрйлиш мўмкин, аммо шўнақа ҳўлатларнинг болалаб кетаётгани рўст ва шўндай ишларни қилганлар ҳам, қўлмаганлар ҳам умумий тақви лаянатга қўлиб кетаяпти-да. Хўлас, жаноби журналистнинг моддий таъминланганин изга солиш, бу борадаги гапиралоқий куришилларга чек қўйиш вақти етишти.

Энди эса энг асосий гапга ўтсанг. Мушаккил юртимизнинг ҳар бир қадами оламшўмул воқеаларга бой бўлмоқда. Биз чинакам янги, дўнё билан бўйлашадиган юрт барпо этмоқдамиз. Бундай тарихий вазиранинг қўвончи ҳам, ташвиши ҳам етарли. Минг афсуски, ана шўндай долғали шариқатда миллий журналистикамиз ўз имкониятини тўла намоён эта олмайяпти. Албатта, бу — шўхсий фикр ва уни изҳор етишда етарли асосларимиз мавжуд. Мўҳокамизнинг бошида биз бир қарашга зарба бермоқчимиз. Қўнчилиқ ҳақиқий журналистика деганда шўшўшлар излаб топил, киминдир бадном қилиш, бировнинг пешонасини гўрла қилиш, хўлас, жамиятда шўкланган ижтимоий фикрга қарши бориб, сохта қўҳрамонлик қўрсатиш деб тўшунади. Ҳақиқий журналистиканинг мезони — ҳаёт ҳақиқати ҳизмат қилиш, умуминсоний гўяларга садоқатдир. Ўзбек журналистикасида истиқлол йиллари янғича руҳ пайдо бўлди ва излашиллар давом этмоқда. Ўлғувор ўзгаришларнинг қийинчилиқлари-ю, гапаларни яққол қўрсатиб берадиган тахлийли мақолалар, замондошларимиз ички дўнесини тўла акс эттирадиган очерклар, тезкор, ҳаммабол жанрлардаги мақолалар эса навбатда турибди. Одамлар кеңаётган қарайлардан тўла хабардор бўлганга эртанги кўнга янги кўч-гайрат билан қадам қўяди, жамиятда чағлишлар, эсанқарашлар бўлмайди. Ислохотларнинг тўб илдизи ва моҳияти, амалий қадамлари ҳақида пўйсалга солмай қўнчилиққа ҳўжжа қилиб берган маълум. Ҳўзирге тезкор замонда ахборот қўвватидан гўра охаробор кўнчи топиб бўлмайди. Хўлас, бу борада хизматлар етарли. Ана шўндай оламшўмул омушларга қамарбаста бўлиб, Президентимиз, халқимиз қўнчилиқдаги гапни топиб айтсан, жонажон юртимизнинг юксалишига ўз хизматимиз билан муносиб хиссамизни қўшсан, шўндагина исм-шарифимизга тиркалган сўзининг обрўсига муносиб бўламиз. Чўнки бу соҳа кишиларига шўндан бошқа қисмат йўқ.

ва умуминсоний микёсларда фикр юртишда даврдан орқад қолямақчи бўшқа касб эғалари учун нима аҳамияти бор? Балки бу ҳам "фақат биз ишлашимиз зарарангдур сўзни тиркаб олиш билан ўзига бино қўйган ҳамкасбимизнинг болаларча чўчмак истиганин ҳам тушуниш мўмкин. Ҳўшиси, дўнёда эғзуллик ҳизмат қўламан, умуминсоний гўяларни улғўлайман, деб яшаётган кишилар эътиқодининг ифодасини ўз хизматларини билан шарафлаб, бу унвонга бошқалар иккори сифатида мушарраф бўлишга интиляпти. Бизнинг зиммамизга ҳам давр, замона етарлича масъулият юкломалар. Мавриди билан шўларнинг иккитасига эътибор қаратмоқчи эдик.

Авалло, бу сўз (ва касб) атрофидаги англашилмовчиликларга аниқлик киритиш лозим. Дейлик, махсус ўрта маълумотли тиббиёт ҳодими — фельдшер, олий маълумотлиси врач дейилади. Демак, кимчи ким деб атайинган ҳам талаби, чегараси бор. Шўнингдек, ветеринария враччи соҳаси яқин бўлса-да, соғлиқни сақлаш ҳодими билан бир ҳил даражада турмайди. Ёки агроном иқтисодчи бўлиб ишлаш олмайдди. Таажуб, "журналист" сўзи эса бу даргоҳнинг эшигини очиб қирган ҳар қандай зотга нисбатан қўнчилиқлардади. Хўлбуки, "хаваскор муҳбир", "муҳбир", "шарҳловчи" сингари шў соҳага дахлдор касб номлари ҳам мавжуд. Бинобарин, бу сўзининг (журналистнинг) маъненни сақлаш учун маълум тартибларни жорий этиш лозимлиги аниқ бўлмоқда.

Маълумки, бу касб эғалари ҳаби берадилар, баён етдилар, тасдиқ ёки инкор маъносиде ҳўкм чикарадилар. Бу босқичларнинг ҳар бириде унинг инсоний, хислатлари мўҳим (балки етакчи) мавқеда туради. Шўндай экан, соҳада кимнинг фаолият қўрсатаётгани жуда мўҳим. Бу ўринда журналистлик қўйиладиган маънавий талабларни такрорлаш зарурати йўқ, бироқ бир

лигини ҳамма билган. Лекин бу ҳўжда замон ноэкиллигини хисобга олиб ҳеч ким лом-лим демаган. Хатто бу одам асар қўҳрамонларнинг авлодидан эканлигини бевосита билган кекса адабиётшунослар ҳам бўлган. Дарвоқе, Хўлбек Ёдгоровнинг суратини қўҳрамонимиз, худди китобда тасвирланган Кумушбўбининг ҳолидек бу кишининг юзиде ҳўл борлигини ва ўзбекларда ҳоли билан туғилган фарзандаг шў худо берган белги билан уйкаш исм бежиз қўйилмаслиғига асим бўлди.

Кўрсатув эфирга кетган, Ўзбекистон радиосиде ишлайдиган Кумушбўбининг яна бир авлоди Нодира Ёдгоровна менга телефон билан боғлигани учрашимиз керак деди. Ишим энгиллашти. У киши билан пойтахтдаги "Халқлар дўстлиги" кўчасида яшовчи қариндошлариникига, яъни Хўлбек Ёдгоров хонадонига бордик. Ҳар ҳўлда бу ердан ҳам маълумот олдик.

Талабаларнинг пахта терими пайтида домла Саидий Хўлбек Ёдгоровнинг қизига қараб, "Сен кимнинг авлодидан эканлигини биласанми", "Ўткан кўнлар" романининг қўҳрамони Кумушбўбининг невараси-сан" дейди. Талаба киз бу гапни отасига айтади. Хўлбек Ёдгоров домла билан қўришиб қолганда, қандай замонда яшаётганимизни яхши биласиз, бўнақа гапни қизимга ҳам, ҳеч кимга ҳам айта қўрманг, деб дақки беради.

Биз шўндай қилиб авлод вакилларини қидира бошладик. Лекин шўнга ўшаган воқеаларга гўвоҳ бўлган одамларнинг қўнчилиғи қизо қилган ёки бу янгиликдан бехабар кексалар экан. Орадан анча ўтган, Марғилонга бормасак бўлмаслигини тушунидик. Шўндай бўлса-да бу янгиликни ҳар хил масалада ёндашиб, яна янгилик топиб эфирга уч марта чикардик.

Қўлланма

КАСБИМИЗ  
МАШАҚАТИ  
ҲАҚИДА КИТОБ

Ҳамма соҳада бўлгани каби журналистикада ҳам ҳодимнинг шаклланиш даври, ифодали қилиб айтганда, сўғги қўшиш палласи бўлади. Шу сатрларнинг муаллифи 1975 йилдан то 1985 йилгача, яъни ўн икки мобайнида "Қишлоқ ҳақиқати" — "Сельская правда" газетаси тахририятида таниқли журналист, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ҳодими Исмоил Сулаймонов раҳбарлиғиде ишлаш насиб этган. Ҳўзир ўша йилларни эсласам, эндигина ерга қадалган ниҳолнинг ҳолати қандай бўлса, ўшандай қалтис фаслни қондан кеचирганим ҳаёлимга келади. Нозик дархатнинг қандай ўсиши унинг бог-бонига боғлиқ.

Орадан чорак аср ўтган, ўйлаб қўрсан, Исмоил Сулаймонов ўша йиллари биз каби ёш ниҳолларга ниҳоятда синчковлик билан эътиборда бўлган экан. Мен устознинг бу фазилатини умримнинг кейинги даврида бошқа раҳбарлар қўл остида ишлаганда таққослаш орқали ҳам хис этганман.

Исмоил ака ўн йилдан зиёд икки тилли тахририятга раҳбарлик қилди. Ўша даврда ўзлари бир ифодали гапни айтардилар: бу жамоа турли дирижерлик таққоқларига ўрганган кишилардан ташқил топди, эндиги вазифа барчани ягона ижодий уйғунликка эриштиришдан иборат. Менинг назаримда, бош муҳаррир қисқа муддатда ўз мақсадига эришти. Ўша йилларда Исмоил ака бундай юксаликка қандай қўнчилиқларини шў кўнларда "Шарқнашриёт-матбаа ақциядорлик компанияси" бош тахририятида босилиб чиққан "Мен — журналистман" деган китоблариде муфассал баён етдилар. Ўшў китобни ҳажонга тўшиб, энтиқиб ўқир эканман, устозимиз биз билан ишлаш асосиде журналистика бўйича Сулаймонов мақабини яратганларини ич-ичидан хис етдим. Бўгунги кўнда ижод гулшанида, озми-кўпми, жамоатчиликка танилган Сўннатилла Сайдалиев, Мирғиёв Каюмов, Мурод Калонхонов, Норбўбо Шакарлов, Ёшўбўжон Ҳўжабеков, Ёлғўш Исмоилов каби журналистлар ана шў мақабини ўтаганимиз билан фахрланасак эришдик.

Мушаккилнинг, ўн йилли мобайнида аввалги қирқ йиллик даврдан қўра сўрмахўл ижод қилган Исмоил Сулаймоновнинг китоби журналистикада касб маҳоратини эғаллаш борасиде шў қадар ибратли асар бўлганки, унинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш керак. Мен шўндай китоб яратилгани билан аввало бўгунги кўнда ижод оламнинг бошида турган ўка-сингилларимни табрикламоқчиман. Негаки, биз бу сабоқни ҳаётнинг ўзидан олган бўлсан, сизлар тайёр ҳустоматия-қўнланмага эға бўлдингизлар. Гапни гапир ўққанга, жонни жонга сўққанга деганлардек, тахририятлар дўнесига кирган одам устознинг бу китобини худди детектив воқеалар ривожига қизикқандай ўқийди. Китобнинг "Тахририят. — ижодий жамоа", "Қўш қанотлар", "Касбимиз наъшаси", "Ҳар чўч этилмаган бўлса ҳам" каби қўллаб боблари ижодий маҳорат масалаларига, касб сирларига бағишланган. Асар ижодкорлар ҳаётида учрайдиган ўткир драматик ҳангомалар, фавқолдада ечимларга олиб келувчи воқеаларга бой давралар шаклида ёзилганки, уни қизикқиб ўқийгиниз тайин.

Фараз қилайлик, эндигина ишга қабул қилинган ёш журналист бирор мавзунини ўрганаш ва ёзиш топширини олади. У қандай йўл тутиши керак? Айтишингиз мўмкинки, "бордим, қўрдим, ёздим" усу-



лида. Лекин ҳаётнинг нозик жиҳатларини илғаш, масалаларга ёндашишда аниқ нуқтаи назарга эға бўлиш нима эканлигини "Мен — журналистман" китобини дилига жойлаган ёш ижодкор осон ва тез тушунади.

Китобнинг бошидан охиригача бир гўя алоҳида ўқтирилади, яъни мушаккиллик ижодкорга чексиз имконият, эркинлик берди. Муаллиф бу гапларни шўнақча қайд етмасдан ўзи бошидан кеचирган ҳўлатлар, шўро давридаги муҳаррирлар бошида ўйнаб турган ойболталар ҳақидаги воқеаларни келтириш, бу билан бўгунги оғоз даврга таққослаш орқали хўжжа қилади. Айни пайтда шўндай шариқатда яйраб-яш наб ижод қилмаётган касбдошлар фаолиятдан қоникмаслик тўғриси ҳам устозни безовта қилаётган ўй-андешалар эканлигини китобни ўқиб жўнашдан илғаймиз. "Қолипга тушиш — ижодкор учун фирқалардаги фалажликнинг бир қўрнини. Бориб-бориб бу йўл қоқайликни туғдиради. Лоқайлик эса касбимиз хўсусиятига бутунлай ёти нарси. Айтиб қўя қўлай: қоқайлик қилмасдан яхши журналист чиқмайди. Унинг юраги муз эмас, балки ловуллаб турган чўғ бўлиши керак. Унинг тафтидан ўқувчини баҳраманд қилишга интилан касбдошим шараф топади, эл-юртча танилади, мақоласи қайси нашрда чўп этилмасин, уни, албатта, топиб ўқийди. Илоё, шўндайларнинг юзи ҳамиша эл аро ерғу, тили узун, қалами ўткир бўлаверсин."

Ўшў иқтибос журналистика оламида ўз мактабини яратган, бу ҳақда асар ёзган Исмоил Сулаймоновнинг "Мен — журналистман" китобидан олинган. Мазукур китобда бундай ерғу сатрлар, ҳаётий ҳўлосалар жуда кўп. Уни ўқинг, ўқинг, ижодий маҳоратини эғаллаш бобиде фойдаланинг, азиз ҳамкасбим.

Шўҳрат ЖАБОРОВ,  
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист

Тааққом

“ЎТКАН КўНЛАР”НИНГ ДАВОМИ

Азиз газетхонлар, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кўнлар" романини ўқигансиз. Асар қўҳрамони Кумушбўби кўзи ериган чоғиде қўндоши Зайнаб томонидан захар қўшиб берилган таомдан отиниб, ҳалоқ бўлади. Чақалоққа Ёдгор деб исм қўйишади. Кумушбўбининг онаси Оғтоб ойма ва отаси Мирзақарим қўтидор Ёдгорбекни Марғилонга олиб келиб тарбия қилишади. Бу ҳақда ёзувчи китоб хотимасиде "Ёзғучидан" деб, қўйидаги сатрларни битиб қўяди:

Кейинги Марғилон боришимда яқин ўртоқлардан Ёдгорбек тўғриси сўриштириб билдим: Ёдгорбек ўшў ва асрининг ўн тўққиз ва йигирманчи очлик йиллари миёнасида вафот қилиб, ундан икки ўғил қўлибдир. Ўғилларидан биттаси бу кўнда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасиде экан. Бу кўнда ному ниҳонсиз, ўлик-тириги маълум эмас дейдилар.

МАВЗУНИНГ  
ОЧИЛИШИ

Шў йил февраль ойиде марғилонлик шоир Ҳамид Усмон Ўзбекистон телевидениесиге келиб мендан эфирга узатиш учун шеврларини ёзиб олишимни илтимос қилди. Биз ижодий гўҳрумимиз билан "Ассалом, Ўзбекистон!" тонги да-стурининг "Шеврий лаҳзалар" саҳифасига шўрининг шеврларини ёзиб олдик. Гап асно-сида адибнинг бошқа ижодий ишларини сўриштирдик. Ҳамид Усмон биз ўчун тамо-мила янги бўлган ижодий из-лашанишни таъриб қолди. Яъни, Абдулла Қодирий асари қўҳрамонларининг прото-типлари ҳақида интервью ол-дик. Бу янгиликни февраль ойиде "Ассалом, Ўзбекистон!" тонги дастури орқали намои-йи қилдик. Марғилонлик адиб Ҳамиджон Усмонов асарининг сўнги қўҳрамони Ёдгорбек тақдирин билан қизикиб жуда кўп маълумотлар тўплаган. Бу тадиқот телевидение ва Фар-ғонадаги газеталарда чиққан бўлса-да, қўнчилиқ мухлислар учун қатта янгилик. Қўйида шўрининг баъзи маълумотла-рини келтирамиз.

ЁДГОРБЕКНИНГ  
РАФИКАСИ

Отабек ва Кумушбўби по-киза муҳаббатининг зўрига етган, Марғилонлик эвоқ қилару-дан бири — Ҳамробийга уй-

ланади. Бу аёл ширинсўз, одамжонли, очик қўнғил бўлган-дан "айланай ҳола" номини олган экан. Ҳамробийи Матё-қубова 35 ёшида эри Ёдгор-бек бандилиб қилиб, ўн бола-си билан тўп қолди. Нойлоқ-ликдан ўғиллари — Лутфулло-бек ва Хўлбекни болалар уйи-га беради. Улар иккиси ҳам ўқимшли маърифатли киши-лар бўлиб етишадилар. 1901 йили дўнёга келган тўнғич кизи — Қўриқхон ял 88 ёшга етди, бундан 12 йил муқаддам қазо топан эканлар. Аянинг ёлғиз қизлари, Отабек ва Ку-мушбўбининг чевараси Мар-ғамхон Кенжаева шўндай хўжжа қилади:

— "Ўткан кўнлар" китобини ўқибозда ўқиган чўбин, энам, Янги боз маҳалласиде яшовчи таншамизис Алиев Ҳасан-Ҳўжон хонадонига борган-лар. Қоронғу тушганда дарво-зани маҳкам танбалатиб, мен-га ўқитганлари, юм-юм йилғаб тинглаганлари эсимда...

Эртасига энам ясам-тусан қилиб, поездеда Тошкентга жўнаб кетдилар. Бундай эсла-сам энам — Ҳамробийи Ота-бек, Кумушбўби, Юсуфқўжи авлодига дахлдорлигидан ни-ҳоятда тасвирланган эканлар. Китобдан, биламизки, Кумуш-бўмоимизнинг ўн юзиде, лаб-лари юқорисиде ҳоли бўлган экан. Қарангки, эҳан қилсам, Ёдгоровлар оиласиде нечта қиз, неваре, чеваралар бўлса, (улар 20га яқин) ҳаммасининг ўлиб лаби юқорисиде ҳоли бор экан. Лутфуллобек Хўлбек то-ғаларда, онам Қўриқхон юзиде ҳам бундай ҳол бор

эди. Тоғам Лутфулло Ёдгоров чуқур хурматданми Абдулла Қодирийга тақдид этиб қий-нардилар. У киши кўп йил дав-лат идоралариде масъул ва-зифаларда хизмат қилганлар.

Тоғам Хўлбек Ёдгоров ма-шхур журналист, қатор китоб-лар муаллифи бўлишган. Ҳар икки тоғамнинг қатор-қатор фарзандлари, неваре, чеварал-лари барҳаёт. "Ўткан кўнлар" қўҳрамони Отабек зурриёди-ри шўлар қатағони таъқибиде дўнёда чўчиб яшаб қелганлар. Мана энди. Адолат, Эрк, Ис-тиқбол даврига келиб, биз Отабек ва Кумушбўби авлоди эканимизни дадил, баланд овоз билан айтаверамиз.

"Мehr yog'dusi" Фарғо-на вилояти фахрийларининг газетаси. 2001 йил 22 фев-раль. 4-сон Ҳамиджон Ус-монов)

ТОШКЕНТДА

Ҳамид Усмон билан сўхба-тимиз эфирга чиққандан сўнг бу кўрсатуви кўрган таниш-билишлар мени саволларга қўйиб ташладди. Ёдгорбек-нинг ўғли Хўлбек Ёдгоров ҳақида маълумот тўплай бош-ладим. Биринчи сўриштиру-ва "Ўзбекистон овози" газетаси-да бўлди. Чўнки бу газетда Хўлбек Ёдгоров бир вақтлар муҳаррир ўринбосари вазифа-сида ишлаган эди-да. Кекса журналист Ҳайдар Носиров-нинг эътирофиде, Хўлбек Ёд-горовнинг Марғилондан экан-

# GLOBUS

international life

## Дараклар

### ИТТИФОҚ КУЧЛАРИ КОБУЛДА

Толибонлар Кобулни бир кечада тарк этганидан сунг ша- хар аҳолиси шимолий иттифок бўлинмаларини "Толибон- ларга ўлим!" сўзлари билан кутиб олди. Шимолий Иттифок



Шимолий иттифок кўла қиритган янги ҳудудлар  
Шимолий иттифок эгаллаган ҳудудлар

қўмондонининг айтишича, бундан кейин иттифок эгаллаган ҳудудларда махсус полиция кучлари тартиб сақлашади. Иттифок кучлари гарба Хирот шаҳрини эгаллаб, толибларни шимолий-шарқдаги Қундуз вилоятига сиқиб чиқармоқда.

### САМОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

АҚШдан Доминика Республикасига йўл олган самолёт Нью-Йорк шаҳрининг Кеннеди аэропорти яқинида ҳалокат- га учради. Хозирда 260 йўловчида 225 нафарининг жаса- ди топилиб. Уларнинг 150 нафари Доминика Республикаси фуқаролари.

Самолёт двигателининг ишдан чиқиши сабабли Роке- вей Бич мавзеси ҳудудида қулаган, натижада бир қанча уйлар ёнган. Федерал қидирув бюроси хабарига кўра, тех- ник носозлик натижасида юз берган.

### Матбуотда ёритилмади

Кувайт ва Ироқ чегарасида жойлашган БМТнинг Юни- ком кузатувчи миссиясининг хабарига кўра, 2 нафар ироқ- лик аскар Кувайтнинг ноҳарбий зонасига АҚ-47 автомат- дан бир неча маротаба ўқ узган. 15 минутдан сунг 82 миллиметрли бомбани порт- латган. Воқеа жиддий бўлса- да, мамлакат ОАВсиди ёри- тилмаган ва ҳукумат томони- дан жавобсиз қолган. Юником кузатувчиларининг хабарига кўра, Ироқ зар- ба кўриқловчи АҚШ ва Британия самолётларига қарши қаратилмаган бўлиб, бундай воқеалар Кувайт ҳудудида 10 йил давомида бир неча бор кузатилган.



### НЕМИСЛАР ЯДРОВИЙ ЧИҚИДИГА ҚАРШИ

Франция шимолидаги заводдан Германия томон йўлга чиққан ядровий чикинди ташувчи поездни намойишчилар тўхтатишга ҳаракат қилмоқда. Поездни химоя қилишга жалб этилган 20000 нафар немис полицияси 100га яқин намойи- шчини ҳибсга олиб, сўнгра кўйиб юборган. Душанба кунги поезд Германия ҳудудига кириб борган.

### МАЛИКА СИНГЛИСИНИНГ ЎЛИМИ

Непалнинг шимоли-ғарбида 6 нафар йўловчиси бўлган вертолёт ҳалокатга учради. Улар орасида қиролича Ко- малитинг синглиси Прекша ҳам бўлган. Фожиа сабаблари аниқланмоқда.

### БЕХОСИЯТ ТАЙФУН

Вьетнамда Линглинг деб аталувчи тайфун 16 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Шу фал- окат туфайли 76 на- фар киши жароҳатлан- ган ва 12 минг киши бошпанасиз қолган.

Тезгили соатига 133 километрга етадиган, йўл босиб ўтадиган, кучли ёмғир ва шамол аралаш тайфун хозир- да шимолий Камбод- жа ҳамда жанубий Лаос томон ҳаракат- ланмоқда.



### НАМОЙИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Юзлаб жазоирликлар ҳукумати ўтган ҳафтада рўй берган тошқин оқибатларини бартараф этмаганилида айблаг ҳуку- мат бинолари томон юриш қилмоқда. Жазоир мудоффа куч- лари уларни тўхтатиш ниятида тайёргарликка келтирилди.

Интернет хабарлари асосида Дялнора АЗИМОВА тайёрлади

### Сўров

### ОЛИМПАРНИ ҲУРМАТЛАЙДИГАН ХАЛҚ

Оддий немислар кимни кўпроқ ҳурмат қилишади? Ушбу савол билан қизиккан Форса ижтимоий текширув институ- ти тадқиқот олиб бориб тегишлича жавоб ҳам олди. Энг кўп ҳурматга олимплар сазовор эканлар — 81 фоиз. Улар- дан кейинги ҳурматли ўринлар эса кўйидагича тақсимла- нади: ёзувчилар — 65 фоиз, рассомлар — 54 фоиз, кино, ва театр артистлари — 41 фоиз. Сибесатчиларга илос қўйганлар эса бор-йўғи 32 фоизни ташкил этаркан. Не- мислар энг ҳам ҳурмат қиладиган касб эгалари эса "поп- музикачилар" бўлиб, уларга ҳурмат-эҳтиром билдирганлар 19 фоиздан иборат экан.

Қалай, қойилмасиз?

Хориж матбуотидан олинди.

## Мурувват


# SOS - ШАФҚАТ МАСКАНИ

Агар "SOS — Ўзбекистон тарзини кўриб, кўнглингиз болалар маҳаллалари" ларнинг кўзида нафрат уюшмасига қарашли шах- римизда ташкил этилган эмас, туганмас меҳр,



"SOS — болалар маҳалла- си"га ташриф буюрсангиз, кўнглингизда турфа муло- ҳазалар пайдо бўлади. Ушбу маҳаллада она каби қайноқ меҳрли тарбиячи- лар бағрида 14 оила бўлиб тарбия топаётган 60 нафар қоракўзни, уларнинг ҳаёт

рибон оналари, йиқилса турғизиб устларини қоқу- чи акалари, опалари бор. Уларнинг 18 нафари барча қатори маҳалладаги мактабда билим олишади. Мактабгача ёшдагилари эса маҳалланинг замона- ви кулайликларга эга ши- нам боғчасига қатнашади. Дам олиш кунлари истиро- хат боғларига, кино ва те- атрларга боришади. Она-



жонлари бозорга чиқаётга- нида "мен ҳам бораман" деб болаларча хархаша ҳам қилиб туришади. Алла айтиб ухлатгангина она- лари бозордан керакли маҳ- сулотларни харид қилиб келиб, фарзандларига тур- ли тансиқ таомлар пиши- ribs беришади. Хозирда дунёнинг 130 мамлакатидида мавжуд бўлган, келгуси йили Са-



Kinderdorf International" ха- лқро ташкилоти ҳисоби- дан амалга оширилади. Ушбу маблағлар ногирон, боқувчисиз ва кам таъмин- ланган болалар учун минг- лаб инсонлар томонидан хайрия қилинади. Хозир ҳам ёш авлод тақдирига оддий фуқаролар хайри- ли ишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Саховатингиз чин бўлса, савобли ишдан сиз ҳам четда қолманг!

Зебо НАМОЗОВА, ЎзДЖТУ 1-курс толибаси

## Тафсилот

# ЭВТАНАЗИЯ НИМА ЎЗИ?

### Жавоб:

Яқинда Франциянинг соғлиқни сақ- лаш вазирини, БМТнинг Косоводаги маъмурияти собик раҳбари Бернар Бу- шер Голландия ҳафтликларидан би- рига интервью бераётиб, ўз ши- фокорлик фаолияти давомида эвтанази- ядан фойдаланганини айтган эди. Бу бир қадар тинчлангандай кўринган мавзунга яна авж олдириб юборди гўё. Умуман, Голландияда эвтаназияга рух- сат берувчи қонун қабул қилингани- дан сунг жаҳон оммавий ахборот воситаларида кенг жамоатчилиқнинг, айниқса бутун дунё шифокорларию ҳуқуқшуносларнинг хилма-хил фикр- лари изма-из босила бошладики, бу ҳали-ҳамон ниҳоясига етадиган ҳам ўшамайди. Эҳтимол, бу мавзу фан- техника тараққиётида жадвал илдам- лаётган инсоният учун ёчи бўлмас муаммо бўлиб қолар. Негиз?

Савол: Эвтаназия ҳақида хориж матбу- отида бироз ўқиганим бор. Асли у камроқ гапирилади? Жавоб: Шундай

Эвтаназия латинчадан таржима қилинганда "осон ўлим" маъносини беради. Бу тушуنча жуда аввалдан маълум бўлиб, қадимги Спартада кас- сал ва нимжон туғилган чақалоқлар ва мажруҳ бўлиб қолган қариялар атайлаб йўқ қилинар эди. Ушбу ата- маннинг пайдо бўлиш тарихи ҳам ана шундай ёвуз одат билан боғлиқдир, эҳтимол. Эвтаназия ҳақидаги замона- вий қонун эса ўта оғир ҳисоблан- ган ва даввоси топилмайдиган касал- лика қалинган беморларнинг ўз хо- ши билан осон ўлим топишига қўмаклашиш учун рухсат бериш де- мақдир. Масалан, Голландияда 46 та- рафдор ва 28 қарши овоз билан қабул қилинган қонунга кўра, осон ўлим то- пишни лозим топган бемор шифокор ва ҳуқуқшунослардан иборат махсус комиссияга бу ҳақда ариза беради. Бу комиссия уни тасдиқлаган тақдир- да эса талаб врачлар томонидан ижро этилади. Фақат 12 ёшгача бўлган бо- лаларгина бундай ариза ёзишга ҳақли эмас. 12-16 ёшдагиларнинг аризаси- га эса албатта ота-онанинг ёзма ро- зилиғи ҳам қўшиб илова қилиниши ло- зим. Аслида Нидерландия учун бу қонун қатта янгилик ҳам эмас. Зеро, 1993 йилги ҳукумат қарорига асосан ўзининг қийналишини хошламаётган беморга "қўмаклашган" шифокор таъ- қибга олинмай қўйилган эди. Шу боис ҳам бу мамлакатда кейинги пайтда йи- лига 3000 нафар беморнинг талаби қондириб келинган. Аммо, қонунга кўра бу ишни бажарган врач учун 30 йилгача бўлган қамқоқ жазоси сақла- ниб келаётган эди. Фақат судьялар унга эътибор бермай қўйишганди.

Юқоридида биз тилга олинган ҳужжат эса эвтаназияга қонуний жиҳатдан рухсат беради, ҳоло. Гарчи қонун қабул қилиниши жараёнида мингглаб фуқаролар ўз норозилик намойиш- ларини ўтказишган бўлишса-да, маълум- ларга қараганда, аҳолининг тахми- нан 90 фоизини қабул қилинишига тарафдор экан. Ушбу ҳужжатни пар- ламентда қўллаб-қувватлаган депутат- лар ва умуман тарафдорларнинг эса ўзига хос манғити бор - нега энди касалликнинг оғир азобларидан зар- чаган ва тузаловчи ишончи бўлма- ган одамга ёрдам бермаслик, яъни оғриқсиз жон беришига қўмаклашмас- лик керак? Уни азобда ушлаб туриш- нинг нима кераги бор?

Айни пайтда инсонпарварликни ўа- га- ча баҳолайдиган мантқиқ ҳам мавжуд- да. Масалан, беморнинг тақдирига ара- лашиб, унинг умрини қисқартиргандан кўра қайфиятини кўтариш, ҳаётга му- ҳаббат уйғотиш, оғриқни қамайтирувчи дори-дармонлар билан жонига оро ки- риш яхшироқ эмасми? "Шахсан мен бизнинг вазифамиз касал одамнинг жо- нига оро киришдан иборат деб била- ман, — дейди Германия адлия вазирини Герта Дойблер-Гмелин. — Бундан таш- қари, бемор, мен ўлимни маъқул кўра- ялман, демак менинг талабларимни ба- жаришларинг шарт, дея талаб қилишга ҳақли ҳам эмас, аслида. Бу ҳақда ари- за беришгина унинг ҳуқуқларига кир- ади. Қолаверса, ушбу талабни қондир- ши ёки қондирмаслик ҳақида боз қотириб вақт ва қувват сарфлаганимиздан кўра, уларнинг касалига шифо топиш ҳақида кўпроқ ўйласак, тўғри йўлдан борган бўламиз, назаримда".

Шу ўринда Германиянинг эвтаназия масаласига бир қадар эҳтиёткор- лик билан ёндашишига бо- шқа сабаблар ҳам бор- лигини айтиб ўтиш ло- зим. Гап шундаки, Герма- ниянинг 1933 йилги қилиш "Миллат соғлигини химоя қилиш" ҳақидаги декларациясига кўра эвтаназия масаласи бу ерда бир маротаба ўз кучини кўрсатган эди. На- цистларнинг бедаво касаллиққа қалин- ган беморларни ва "паст ирқли" халқ- ларни йўқотиш борасидаги қарашла- ри акс этган ушбу лойиҳа туфайли 1939-1941 йиллар оралигида (бирин- чи босқич) 90 минг одамнинг ёстиғи қуритилган бўлса, 1945 йилга келиб уларнинг сони 250 минг нафарга ет- тилган. Зеро, касалхона ва қариялар уй- ларида нацист врачлар "көрсатилган одамлар"ни ўзларича аниқлар эдилар. "Национал-социалистлар мамлакатидида эвтаназия" асарининг муаллифи Эрнст Клеенинг айтишича, бу жараён ҳатто яқудийларни кириш борасида ҳам на- цистларга қўл келган. Ушундан бундай қиргин марказлари Германиянинг ша- рқидида Бранденбург, Бернбург, Зон- нештайн каби шаҳарлари, Графенек қалъаси ҳамда Австриянинг Хартхайм шаҳарларида жойлашган эди. Гарчи халқнинг ва жаҳон ҳамжамиятининг кескин норозилигидан кейин, 1941 йил- нинг 24 августидида, Гитлер оғир бе- морлар ва ногиронларни ўлдиришни бекор қилган бўлса-да, аслида бу ҳаракат яширин тарзда шифокорлар- да давом этверган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса эвтаназия билан шуғулланган врачларнинг аксарияти ўз жонига қасд қилди ёки қочиб кетди. Қолганлари суд ҳукми билан ўз жа- золарини олдилар. Рус ёзувчиси Эду- ард Лимонов ўз асарларида қайд қилдики, бир пайтлар Америкада жо- рий қилинган фашистик тартиб-қоида- га асосан, нафақа тўлашдан қўтилиш

## Тафаккур

# ГАЛАБА ҲАҚИҚАТ ТОМОНДА БЎЛДИ

Бирга қулган одамни унуттиш мумкин, лекин бирга йиғлаган одамни ҳеч қачон унутмайсан.

Интзорлик умрининг эговидир.

Хар кунни янгилаб турмаган муҳаббат хар кунни ўлади.

Тошбақалар кўенга нисбатан йўлни яхши била- дилар.

Умид ярим ҳаётдир, умидсизлик — ярим ўлим.

Ҳақиқатни тинглагучи шу ҳақиқатни сўйлагучи- дан кичик эмас.

Истаган жойинга кетмон ур, ҳазина топасан. Лекин сенда дехқон ишончи бўлсин.

Гўзалликсиз на диёнат бор, на илм.

Қорни очга ашула айтсанг, у қорни билан эши- тади.

Қатл этилишга ҳукм қилинган одам ўзининг қотил эмаслиги билан фахрланармиш.

Барчамиз ҳам тутқунлармиз. Фақат айримлари- мизнинг қамқоқнамиз деразали, айримларимиз- ники деразасиз.

Ҳаёт менга олтин инъом этса-ю, мен сенга кумуш берсам, боз устига ўзимни саҳий ҳисобла- сам — дунёда мендан пасткаш одам йўқ.

Парвардигор, менда душман йўқ. Агар менда душманнинг бўлиши шарт бўлса, унинг кучини меники билан тенг яратгинки, галаба ҳақиқат томонда бўлсин.

Муҳаббат мунаввар қўл билан мунаввар сахи- фага ёзилган мунаввар сўздир.

Муҳаббат маҳбуб билан маҳбуба ўртасидаги пардадир.

Аёл зоти юзига табассумдан никоб тута олади.

Хотира — висолнинг бир шакли.

Жуброн Ҳалил Жуброн

Mustaqil gazeta  
**HURRIYAT**

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситала- рини демократиялаштириш ва қўллаб-қув- ватлаш жамғирмаси

Бош муҳаррир Хуршид ДУСТМУҲАММАД

Тахрир хайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Нани КАРИМОВ, Абдуқоҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон КҮЧҚОР, Нораги ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амirkул КАРИМОВ, Абдуқоҳим ИУЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-роқом билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс: Яққа обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234 «Шарқ» нашриёт-матбаа вакилдорлик концерни босмахона- сида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Тошпириш вақти — 21.00 Зокиржон АЛИБЕКОВ Топширилди — 19.00 буюртма — 1 - 2942

Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлан- ши мумкин. Тахририятга юборилган мақуло ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida teritdi va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh.SAYDALIYEV

Ташвиш

# ТУН. ДИСКОБАРДАН ҚАЙТДИ

## Кутидан "Бомба" чиқди

Тошкент "Отчопар" бозоридан Бухорога йўл олаётган автобусни тўхтатиб, хайдовчилар кути тутқазди, "Бу автомобиль эҳтиёт қисми, илтимос, шунинг Бухорога олиб борсангизлар Махмуд ака деган киши сизлардан олади", — дедик. Дастлаб хайдовчилар кутини олиб кетишга рози бўлишмади. "Курук раҳматига мушук офтобга чиқаримди, ҳисоб-китоби қандай бўлади?" дея хизмат ҳақи сурашган, биз келишдик. Улар кутини автобусга жойлаштириб, Бухорога йўл олишди.

Бироз ўтгач, постда улар тўхтатилиб, юкхона текширилди ва кутида нима борлиги сўралди. — Бу меники, ичида автомобиль эҳтиёт қисмлари бор, — дея жавоб қилди йигит. Кутини очилганда эса "Бомба" деган ёзувни кўриб қотиб қолди...

Тўғри, ҳар қандай хизмат бежиз бажарилмайди. Уларни баҳарийдан мақсад моддий манфаатдорлик бўлса-да, жилла курса аклини ишлатиши лозим эди. Мабодо у гараз ниятли киши томонидан берилган росмана бомба бўлганида-чи?

Ҳа, лоқайдлик ёмон оқибатларга олиб келишини англаш пайти келди. Бугун давр бошқа. Халқимизга ҳос бўлган инсонийликдан, соддалик, ишонувчанликдан гараз мақсадларда фойдаланувчилар борлигини унутмаслик лозим.

## Лоқайдликнинг мукофоти

Огоҳлик фақатгина бегона киши берган кўтини эҳтиёт бўлиб олиш ёки уйимизнинг ёнида пайдо бўлган бегона машина ҳақида дарров ИИБга хабар беришдан иборат деб тушунмаслигимиз керак. Чунки огоҳликнинг кўлами жуда кенг ва талаблари шу қадар оғирки, уни ундашлар учун қийиндан нафақат синчковлик, балки қуқурок мушоҳада ҳам талаб этилади. Кези келганда андишани ҳам бир четга суриб, ҳеч вақт қаттиқ гапирмаган кишинингизга ҳам ачирқорқ ўғит беришингизга тўғри келади. Сабоби гўйхандликдек аср вабосидан бутун жаҳон ахли изтироб чекаётган маҳалда бизда бу иллат билан фақат тегишли идораларгина кураш олиб бормоқда. Айрим юртдошларимиз эса, "Менга нима, биронинг боласи билан нима ишим бор?" қабилида иш тутиб, қўшининг боласи "тортабтганидан хабардор бўлса-да, бу ҳақда тегишли ташкилотлар тугул ҳатто, боланинг ота-онасига ҳам лом-ним дейишмайди.

Тўғриси, лоқайд одам бундан 3-4 йил олдин қўшинининг ҳозирги нарқоман ўғли сикретани энди бошлаганида ҳам жим юрганди. Ҳеч бўлмаса, "Фалончи, сикрет чекканини отанга айтман", — деб пўписа ҳам қилмаганди. Қайтар дунё эмасми, бугун гўйханд ўғлини даволай олмайётган ота ён қўшинининг ўғли сикрет чекканини кўрса ҳам, атай жим. Лоқайдлиги туфайли

ҳам бундай одамлар ўғлининг кашандалигидан беҳабар. Буни қўшниси кўриб билиб турса ҳам айтмаяпти. Шу боис, яқин орада унинг ўғли ҳам нарқоманларга қўшилиб қолиши ҳеч гапмас. Мана, бугунги лоқайдликнинг эртанги "мукофоти".

## Қатортолдан жонон ўтганда

Чилонзорнинг Қатортолига ҳаёлан саёҳатга чорлайман сизни. Хўш, бу ердаги танозоллар қаердан чиқаяпти? Уларни машиналарига ўтказиб кетаётган бойвачча йигитларниқун айтмай кўя қолайлик, аммо эндигина мўйлаби сабза урган болаларни кўриб, кўрмадим дейишга виждони кийналади кишининг. Той болаларига "тойчоқ" миндириб қўйган тadbиркор кишилар фарзанди жинкўчага кирганидан беҳабар. Берган пулларининг ярмисини бу ердан топган жононаларга совуриб, орадан уч-тўрт кун ўтмай Венерологик диспансерлар олдига қатор туришини халёига сиздира олмайди бечора оталар. Пул топиб, ўзи тугул, хали оққорани танимаган ўғлига машина миндириб қўйган ақли кишиларнинг шу ерга келганда ақллари оқсаб қолмасайди...

Ўтказилган тadbирларда Қатортол кўчасида халихануз суяқоёқ аёллар кезиб юргани ойдинлади. Киши билмас касалликларни ўзига илакиштирган бу танозоллар тўрт-беш сўм бахонасида айрим йигитларга ҳам касаллик юктирмоқда. Маънавий зарарниқун, айтмасча ҳам бўлади. Тунда ял-ял товланаётган жононларга кўнгли суст кетган эркаклар ҳадемай оилавий жанжалнинг бош қаҳраманига айланаётгани сир эмас.

Яланғоч даҳасида яшовчи Бахтиёр деган йигит Чирчиқдан топган оймақиласаниқига борганида иши чапна кетди. У хузурбахш дамларни истаб борганди, оймақиласаниқини баланд нархлади. "Олечка, аввал арзонроқ эмасмидинг?" — дея берган саволига "Тошкентда туриб доллар ошганидан хабаринг йўқми, хумпар?" деган жавобни олди.

Каифиятини кўтариш бахонасида қиттак-киттак ичилгандан сўнг ҳам уларнинг гапи қовушмади. Мижазининг чўнтагиндан муллажиринг чиқмаслигига амин бўлган Оляxonим данғалига кўчди: "Нука уходи, а, Бахтиёр!" Бу гапдан Бахтиёрнинг газаби тошиб, ёки яримтаннинг пулига жони ачибми, стол устидаги пичоқни унинг оёғига санчиб олади ва оқибатда ИИБда "мехмон" бўлади.

Тошкент шаҳрида ўтказилган тadbирлар натижасида бир кеча давомида 102 нафар шахс ушланган бўлса, шулардан 56 нафари енгил табиатли аёл бўлган. Уларнинг 46 нафари тиббий кўриқдан ўтказилганда касалликлари аниқланган. Дейлик, бир кечада 30-40 нафар кишига касаллик юктирадиган бўлса, бир ойда қанча бўлади? Бир йилда-чи? Агарда "хўроа"лар буни жуфти ҳалолга ҳам юктирса-чи? Эҳ-хе...

Шухрат РЎЗИЕВ,  
НИВ матбуот  
маркази ходими

## Шифо

# ҚУЙРУҚНИНГ ХОСИЯТИ

Ешим улғайиб қолди. Шу боис, билганларимни матбуотда эълон қилиб, қимларнинг дарддан фориғ бўлишига хисса қўйсам, деган мақсадим бўлди. Қўй ва унинг гўшти, қолаверса ёғи ҳақида қўй ҳикматлар бор. Жониворнинг думба ёғи базми дардларга малҳам бўлиши ҳақида эшитганларим бор. Буни ўзим ҳам бир неча марта тажриба қилиб кўрганман. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз, кимдир тирноғини олаётган, қўй ёғини қонатиб юбориши ёки кирган зиррачани ололмастлиги мумкин. Оқибатда тери зарарланиб, инсон азият чекиши бор гап. Яъни, қўйинча қон бузилиб, бора-бора қорасон касаллиги келиб чиқишига сабаб бўлади. Билмайсизки, уруш пайтида қанчадан-қанча йигитларнинг қорасонга айланиб кетмаслиги учун яраланган қўй ва оёқларини

қимдир етишмовчиликдан деса янглишади. Чунки эгнига қимматбахо кийимлар кийган, бўйнига шодашода тилла занжирлар осган бу танозолларга у-бу етишмайди, десак уят бўлар. Назаримда, бунга ҳам ўзимизнинг лоқайдлигимиз, эътиборсизлигимиз сабаб бўлаётганга ўхшайди.

## Ёпилган барлар

Сайилгоҳ, тунги соат 11дан ошган. "Зарафшон" ресторани ёнида тўп-тўп ёш йигитчаю қизалоқлар ичкарига кириш пайида. Ички ишлар ходимлари "Бўлди, ишни тугатинглар, ошхонани ёпинглар!" — деб юрган бир пайида бу йигит-қизлар эшиқдан қўвса, тешиқдан мўралаб юришибди. Эрка қизалоқларни биз шахримизнинг бошқа жойларидан ҳам тунги соат 12дан ошганда учратдик. Айрим ота-оналар "Шу болаларимизнинг ўйнаб-қулиши учун ишламасак, нима учун юриб-миз?! Ахир улар ёшлиғида ўйнасин-кулсин-да!" дейиши мумкин.

Уларнинг ўйнаб-қулишлариға эътирозимиз йўқ. Бироқ бу қизларнинг кеч соат 11дан кейин ўйнаб-қулишини тушунмайман. Шу ҳолда юрган қиз эрта турмушга чиққанидан сўнг ўйнаб-қулиши кўмсамайди, деб бўладими? Турмуш ўртоқлари бу ерга олиб келишнинг урдасидан чиқа олса, хўп-хўп, мабодо ундай қиллолмаса, улар яна адасига ўхшаш бойвачча-ни қидириб қолмайди деб ким қафолат беради? Эркатойларнинг тунда қаерда юргани билан қизқамган ота-она уларни эртага енгил табиатлиларга ўринбосар сифатида тайёрлаб қўяётгани билмасмикин?..

Хуллас, айримлар бу иллатга қарши курашиб бўлмайди, дейишади. Лекин хали ори, номуси, гурури қалбини тарк этмаган аёлларимиз, қизларимиз шу қадар кўпки, уларни бундай иллатга илакишдан асрашимиз керак. Зеро, улар беномус дўгонасининг алдовларига учиб ёки бир ёмоннинг қасрига қилиб йўлидан адашиб қолмасин.

Шу боис, меҳнатдан хориб қайтган кишиларимизнинг нафақат оромини бузадиган, балки оиладаги фарзандларимиз тарбиясига ҳам жиддий таъсир кўрсатадиган, салбий иллатларни илакиштиришда асосий восита бўлиб қолаётган — тунги ошхоналар, барлар ва кафелар иш фаолияти тунги 12 гача қилиб қатий белгилаб қўйилди. Бу режимиға амал қилмагани учун Бобур истироҳат боғида жойлашган "Жулиана" диско клуби, "Сам Рам" хусусий фирмасига қарашли "У-Макуми", "Ал Минавар" хусусий фирмасига қарашли "Дзин зю", "Нилуфарбону" хусусий фирмасига қарашли қаҳвахоналар, "Ирэн" ва "Алтир" дискобарлари, "Акса ЛТД" га қарашли барларнинг гувоҳномалари бекор қилиниб, иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди.

Савол туғилади. Хўш, "тунги капалак"лар қаердан пайдо бўлапти? Агар буни

Умр

# ЖОНЧОРБОҒДАН ЧИҚҚАН КИНОЧИ

Мираҳмаднинг танглайи кинолента билан кўтарилган дейишади. Буни унинг ўзи ҳам рад этмайди. Эсини танибдики, кинода яшайди, кино ташвишларини ўз шахсий ташвишларидек кўради. Киночи халқи борки, кино мухлиси борки, уларнинг барини ўзига дўст деб билади. Битта гапни сира тилидан қўймайди: "Қино ҳаммани бирлаштирадиған сеҳрли санъат!" дейди. Шунинг учун Мираҳмад Саъдиев кинога заррача дахли бўлган одам билан дарҳол тил топишади, уларни ё ака, ё ука деб кетаверади. Бир замонлар Тошкент марказида "Искра" кинотеатри жуда машҳур эди. Мухаммадхон ака исмли қариндоши Мираҳмаднинг "Искра"ға етаклаб келганида у бор-йўғи 15 ёшга чиққанди. У кино "касалиғи"ға мубтало бўлганига, мана 45 йилдан ошди! "Санъат саройи"да, "Ўзбекфильм" киностудиясида ишлади. Ишдан ажралмаган ҳолда Низоомий номидаги Пединститутнинг тил-адабий факультетида ўқиди. Мана, бир неча йилдирки, Лисунова номили кинотеатрда директор.



бутун дунё кино кўрмаётими?! Видеоижаралар нимагинг хисобига ашяпти?! Ешларнинг озгин киноларнинг номлари тушмаяпти-ку!.. Биз мана шу қизиқашнинг борлигидан фойдаланишимиз керак. Фойдаланамиз ҳам. Бутун шўро даврида не-не фильмларни тарғиб қилдик, томошабинларга намойиш этдик, энди Ватан мустақил бўлиб, ихтиёр ўзимизга келганда бўшашиб ўтирсак уят бўлади!.. Мен ўзбек киночиларига ишонаман! Ўз касбига фидойи, садоқатли одамгина мана шундай шиддат-ишонч билан яшайди. Пойтахтнинг қўна Хончорбоғ (ҳозирги "Мегазор") маҳалласидан чиққан Мираҳмад феълидаги мана шундай мардлик, танглик ва аҳиддан қайтмаслик фазилатлари туфайлигина кинотеатр — маърифат улашувчи даргоҳ эканлигини исботлашга тинмай ҳаракат қилмоқда. Ўғли Рус-тан Ленинград Кино институтини тугатган, кичиги Муродхон ҳам кино соҳаси захматкашларидан. Отадаги кинога бўлган муҳаббат фарзандларига кўнган. Бу муҳаббат, бу фидойилик туфайли Мираҳмад Саъдиев эл-юрт орасида обрў-иззат кўрмоқда, ҳурмат қозонмоқда. Дуо оломоқда. Мен ҳам унинг дўсти, ҳаммасига сифатида биродаримнинг келгуси фаолиятида, ҳаётида фақат омадлар тилайман.

Абдусаттор САРИХЎЖАЕВ

## Фароїубом

Ҳаётда турфа хил исмлар учрайди. Уларнинг ҳар бири турли оҳангда жаранглайди, ўзига хос маъно-мазмунни ифодалайди. Бироқ қандай маъно касб этишидан қатъий назар исм қўйишга бирор воқеа-ҳодиса, чақалоқдаги белги-аломат, ниҳоят, ота-она ораси сабаб бўлади. Халқимизда янги туғилган гўдакка исм қўйиш алоҳида қадрият, аънаво сифатида шаклланган. Бунинг учун оиладаги энг ёши улғу отахонларга мурожаат этилиши ҳам бежиз эмас.

Исм инсоннинг бир умрлик ҳамроҳи, дўсти бўлиб қолади. Шу боис ҳар бир ота-она доимо фарзандига гўзал ва жозибали исм қўйишни ният қилади. Бироқ ҳаётда шундай вазиятлар ҳам бўладики, чақалоқ ўз исми билан ёруғ оламда кўз очади. Ота-боболаримизнинг ҳаётий тажрибаси бўйича чақалоқ тиши билан дунёга келса Буривой, бирор жойида кўзга қуриналири хали ёки ортиги билан тўлмаса, Холбой, Холпошша, Ортиқжон, Анорахон каби исмлар қўйиш урф бўлган. Ажабланарлиси, маълум аломат

# ИСМДА НЕ СИНОАТ?

билан туғилган гўдакка "ўз" исмининг қўйилмаслиги кейинчалик бола ҳаётида кўнгилсизликлар келиб чиқишига сабаб бўлади дейишади. Яъни, исм боланинг ҳаёти, улғайишига бевосита таъсир этиши мумкин. Кўп гувоҳ бўлганмиз, оилада кетма-кет чақалоқ нобуд бўлаверса, Турсинбой, Турсинхон, Тўхтасин, Тўхтабий деб кейинги фарзандга исм қўйилади. Ва қизиги... шундан сўнг оиладаги чақалоқ ўлими тўхтайдиган, фарзанд униб-ўсиб улғаяверади. Ёки болаларнинг улғу зотлар исмини "кўтаролмай" қаттиқ касалга чалиниб қолишини эслайлик. Бундай воқеалар турмушимизда тез-тез учраб туради.

Мухаммадхон деган бир танишим бўларди. Ўқини ҳам унчалик қойиллатмас, кўп номаъқулчиликлар қилиб юрарди. Шу бола бир бор касал бўлди-ю, кейин ўзига келиши қийин бўлди. Бир неча ой ётиб озгина соғайиб юра бошлагач, яна иситмалаб қоларди. Охири, бобосининг маслаҳати билан Мухаммадхоннинг исмини ўзгартиришди-ю, боққис касалликдан фориғ бўлди. Ёши улғуларнинг айтишича, ўшанда боланинг номаъқулчиликлари, буюк номаг номуносиб қилиқлари туфайли Пайгамбаримизнинг исми уни "босиб" қолган экан...

Қандай яна бир қизиқарли ҳодисани эшитиб қолдим. Қашқадарёдаги қишлоқлардан бирида қизалоқ дунёга келибди ва табиийки, ота-онанинг хурсандчиликдан боши осмонга етибди. Бироқ уларнинг қувончи узоққа бормай, бир неча кун ўтиб чақалоқда фавуқлодда ажабтовур аломатлар зоҳир бўла бошлади. Қизча кечқурунлари йиғлаш ўрнига... улар, кўзи ҳам худди бўрининг кўзидай "йилт-йилт" ёнармиш. Бундан ҳам ҳайрат, ҳам даҳшатга тушган ота қишлоқнинг кексаларига мурожаат этибди. Воқеадан хабар топган отахонлардан бири қизчанинг исмини ўзгартириб, унга Буритош деб исм қўйиш зарурлигини айтибди. Қизалоққа Буритош деб қайтадан исм берилгач, ҳафта ўтмай ундаги беўхос овозлар йўқолибди, қўзининг гаройиб ёниши ҳам астар-секин сўнибди.

Қизик, исмда қандай куч-қудрат бўлиши мумкин? Бу каби ажабтовур ҳодисалар не сабабдан юз беради? Ирим-қиримларга қаттиқ ишонганимиз, уларга руҳан боғлиб қолганимиз учунми? Ёки бунда бошқа бирор сир-синоат ҳам бормикин?..

Собиржон ЁҚУБОВ

## Муаммо

# СОТИЛГАН МОЛЛАР ҚАЙТАРИБ ОЛИНАДИ

## Жавоб:

Дўкондаги "Сотилган моллар қайтариб олинмайди" лавҳаси ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга эмас. Агарда жамият аъзолари, ишлаб чиқарувчилар, воситачилар, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг фаолияти юқори даражада бўлганида ва харидор истеъмолчиға тақлиф этилаётган, етказиб берилётган моллар асл ва бетақдор бўлганида эди, бу бошқа масала. Бугунги замонавий шароитларда даярли ҳар бир асл молнинг қалбакиси ҳам мавжуд, бундай моллар харидорни кескин чағлитади, унинг ўз ҳуқуқ ва қонийи манфаатларини тўлақонли амалга оширишиға тўсқинлик қилади. Аввало, "чалган", "оми" истеъмолчи бироз (айрим ҳолларда анча) арзонгароғ махсулот эгаси бўлади — бу табиийки, унинг ҳамёниға фойда ўзининг назарида. Ишлаб чиқарувчи, сотувчи, воситачи учун шундай кенг "оми" истеъмолчилар бор экан, бу уларнинг фаолиятини мунтазам рағбатлантириб туради. Истеъмолчи "Head & S houlders", "Pontene"дек машҳур махсулотдан фойдаланса-да, сонига қазғоқ тушаверади. Ёки озик-овқат дўконидан сизга тақлиф қилинаётган — сиз таъминоти тўлиб кўрган махсулот ўрниға пештахта остидан унинг ўринини босувчи — "заменитель" сумканигизга тушади. Шундай ҳолларда сира шовилмаслик керак.

Сиз — истеъмолчисиз. Қонунларимизға кўра, сиз ҳаммаша ҳақсиз. Барча саяё-харакатлар сизнинг талаб ва эҳтиёжларингизни, манфаатларингизни рўбёга чиқаришиға қаратилган. Истеъмолчи сифатида қийидаги ҳуқуқларға эгасиз: — товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш; — товар (иш, хизмат)нинг эркин танлаш ва унга тегишли даражада сифатли бўлишини талаб қилиш; — товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлишини талаб қилиш;

— ҳаёт, соғлиқ ва мол-мулк учун хавфли нуқсон бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг гайриқонийи ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарни тўла ҳаждма қоплашинини талаб қилиш; — бузилган ҳуқуқ ёхуд қонийи манфаатлари химоя қилишинини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш.

Айтилайик, сиз товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот олдингиз. Ва товарни харид қилдингиз, иш бажарилмиши ва хизмат кўрсатилишидан "бахраманд бўлдингиз". Аммо махсулот зарурий истеъмол хоссаларға эга эмас экан. Бундай ҳолларда сиз шартномани бекор қилишиға

ва шу туфайли етказилган зараринг қўна-нишини талаб қилишиға ҳақсиз. Масалан, шакар деб харид қилган махсулотингиз аллақандай кимёвий восита бўлиб чиқди — истеъмол қилдингиз: сиз ва оилангиз захарланди. Шифохонаға ётиқизишди. Даволанаёلسиз: дори-дармон, озик-овқат, йўл харажатлари дегандек. Ишдан қолаёйсиз: нимадир яратилишигиз ёки ишлаб чиқаришингиз мумкин эди. Азоб чекаёйсиз. Уйлаёйсиз: нахотки, алданган бўлсан. Афсуски, шу "чорраҳагача" сиз гандингиз... Ана шу ҳақда хамма товар (иш, хизмат) юзасидан "профессионал дефюа", яъни, махсус билимға эга эмас-сиз. Сотиб олган товар (иш, хизмат)дан

кузланган мақсадда фойдалана олмадингиз — товар ҳақидаги маълумотлар нотўғри ёки тўлиқ бўлмагани учун. Бундай ҳолларда сиз тегишли маълумотни оқилана, қисқа муддатда (қўйи билан уч кунлик) берилишини талаб қилишиға ҳақсиз. Агар маълумот айтилган муддатда берилмаसा, шартномани бекор қилиб зараринг қоплашинини талаб қилишингиз мумкин.

Эслаб қолинг! Нотўғри реклама оқибатида сотиб олган товар (иш, хизмат) сизга зарар етказса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)дан зарарни тўла ҳаждма қоплашинини талаб қилишиға ҳақсиз. Олди-сотди амалга оширилганда сизга касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товар чеки бермасдан сотиш тақиқланади. Чеки олиб қўйишингиз зарур. Чунки у ҳуқуқингиз бузилганлигини билганингиз захотиёқ дўконға қайтиб боришингизға асос бўлади.

Истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқингизни тўлиқ билмоқчи бўлсангиз қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан танишиб чикинг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган алоҳида турдаги озик-овқат ва ноозик-овқат товарларининг чакана савдоси қондалари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан янги автототранспорт воситалари, спиртли ичимликлар ва пиво билан чакана савдо қилиш қондалари, мева-сабзавот махсулотларини сотиш қондалари.

Демак, хулоса шуки, сотилган моллар қайтариб олинади. Бу барча ҳолларда ўзингизға, ўз ҳуқуқингизни талаб қила олишингизға боғлиқдир.

М. БАРАТОВ,  
Ш. ЮЛДАШЕВА,  
Тошкент давлат юридик институтини ўқитувчилари

## Тарих

# ДАЛВАРЗИНТЕПА: кашфиёт ва топилмалар

Қулполчилик буюмлари — қулполчилик санъати шу даражада ривожланган экани, лойдан ясалган буюмлар 2100-2200 йил ёр остида қолиб кетиб ҳам "жон" сақлаган. Пахса ёки хом гиштдан қурилган бино вайроналари Миср, Юнон ёки римликларнинг тош уйларидан кўра яхшироқ сақланиб қолган.

Соф олтиндан ясалган тақинчоқлар (жами — 115 та, умумий оғирлиги — 36 кг)

Фил сўягидан ясалган 2 та шахмат донаси — шу пайтгача шахмат ватани Хиндистон хисобланади (VI аср). Сурхон воҳиди эса "ақл мақши" ўйини I-асрда машҳур бўлган экан. Рангли металлдан ясалган буюмлар — аждодларимиз антик даврдаёқ бронза, мис ва бошқа металллардан турли буюмлар ясаб, уларни бир неча микро қалинлида олтин суви билан қоплаш усулини билганлар. Европада эса бу техника қўлланилиши XIX асрнинг охирида Гальвонини ихтиросидан сўнг бошланган.

Будда ҳайкаллариининг қолдиқлари — бу топилмалар айниқса, япониялик олимлар учун қимматлидир. Уларнинг фикрича, буддавийлик дини айнан Ўзбекистон ҳудуди орқали қунқир юртга етган. Шунингдек, Буюк Ипак Йўли туртта бўлганиги тўғрисида маълумотлар бор. Биринчиси — Пекиндан бошланиб Мугулистон, Жанубий Сибирь ва Қозоғистон орқали Астраханга бориб, денгиз орқали Римға ўтган. Иккинчиси — Хитойдан Мовароуннахрга келиб, Тошкент, Самарқанд орқали Афғонистон ва Эронға ўтган. Учинчи йўл — Шарқий Туркистон (Хитойнинг Шин-Чон вилояти)нинг жанубдан бошланиб, Тибет, Хиндистон ва Покистон орқали Балхага келган. Тўртинчиси эса денгиз йўлидир. Бу ҳудудда жойлашган қадимий давлатлар: — Бактрия — Искандар Зулқарнайн давлати — Салавкилар давлати — Давлат бошчилигидаги Юнон-Бактрия подшолиги — Кушон давлати

Илҳом ШЕРМУҲАММАД тўвлади.



Тошкентда қилинган кашфиёт ишлари...

# Эълонлар

1990 йилда Тошкент педагогика институтини тугатган Хакимова Гулистон Азизовна номига берилган РВ №851474 рақамли диплом йўқолиши сабабли **БЕКОР ҚИЛНАДИ.**

Республика "Нуроний" жамғармасига қарашли Шайхонтоҳур туманидаги "Нуроний-Мезон" шўъба корхонасига қарашли Давлолар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Шайхонтоҳур туман Ш.Абзалов кўча 46-уй. Тел. уй 49-21-15 Раҳимов Абдужаббоб Таъсисчи тел. 41-16-03**

Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимга ораси

**Савда АЗИМОВА**нинг вафоти муносабати билан қўғур ҳамдардлиқ бийдирлади.

Илоҳим, марҳуманинг охирати обод бўлсин.